







# ЖАҲОН НАВОЛАРИ САМАРҚАНДА ЯНГРАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

дирекцияси ижрочи директори ўринбосари Абзал Фуломов. — ЮНЕСКО халқаро маданий тадбирлари доирасига киритилган ушбу мусиқа анжуманининг обрў-эътибори йил сайин ортиб, иштирокчилари сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётди. Хусусан, илк фестивалда жаҳоннинг 33 мамлакатидан вакиллар иштирок этган бўлса, 2007 йилда ўтказилган фестивалда 51 та давлат санъаткорлари катнашиб, ўз иқтидорларини намойиш этидилар. Бу йил ҳам мазкур халқаро мусиқа анжуманига ҳозирнинг ўзида 50 га яқин мамлакат вакиллари катнашиш истagini билдиришди. Бу йил Коста-Рика, Мексика, Баҳрайн, Камбоджа ва Австралия сингари мамлакатлар санъаткорлари "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида илк бор иштирок этишди. Шунингдек, фестиваль доирасида ўтказилиши кўзда ту-

тилаётган "Шарқ мусиқа маданиятининг жаҳон тамаддунида тутган ўрни" мавзусидаги илмий конференцияда ҳам жаҳоннинг кўплаб таниқли санъатшунос олимлари қатнашиш кутилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бу йилги мусиқа байрами му-

носабати билан фестивалга бағишланган махсус журнал чоп этилди. Унга шу пайтгача ўтказилган фестивалда ижро этилган куй-қўшиқлар жамланган DVD, VCD дисклари, шунингдек, иштирокчи давлатларнинг каталоглари ҳам илова қилинди.

Айтиш жоизки, Самарқандда мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллик шодибаналари ҳамда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали байрами олдидан кенг қамровли тайёрларли ишлари олиб борилди. Шаҳардаги қурилиш-таъмирлаш ва кору-

лаштириш ишлари кўлами янада кенгайтирилиб, тadbир иштирокчилари, узоқ-яқиндан ташриф буюрадиган меҳмонлар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Регистрон майдонида Ўзбекистон халқ артисти, режиссёр Баҳодир Йўлдошев бошчилигидаги санъаткорлар ва ёш ижрочилар фестивал тантаналарига пухта ҳозирлик қўрди.

Этиборли томони шундаки, тadbирда "Ферғламурадизайн", "Маърифат", "Тараққиёт" сингари 28 та маҳаллий корхона ва фирма ўз маҳсулотлари билан қатнашишмоқда.

Нархлари бирмунча арзон ва сифатли маҳсулотлар харидорлар эътиборини тортди. Бу ерда ота-оналар ўз фарзандлари учун 15 турдаги ўқувчилар формалари, турли канцелярия маҳсулотларини қониқиб билан харид қилмоқдалар.

## Яхши хабарлар

Фаргона шаҳрининг Аҳмад ал-Фарғоний номидаги истироҳат боғида анъанавий мактаб ярмаркаси ташкил этилди.

## Маҳаллий маҳсулотлар ярмаркаси

Этиборли томони шундаки, тadbирда "Ферғламурадизайн", "Маърифат", "Тараққиёт" сингари 28 та маҳаллий корхона ва фирма ўз маҳсулотлари билан қатнашишмоқда.

Нархлари бирмунча арзон ва сифатли маҳсулотлар харидорлар эътиборини тортди. Бу ерда ота-оналар ўз фарзандлари учун 15 турдаги ўқувчилар формалари, турли канцелярия маҳсулотларини қониқиб билан харид қилмоқдалар.

**Н. СОБИРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## «Энг намунали оила»

Хива шаҳрида "Энг намунали оила" қўриқтанловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларида ёш оилалар иштирок этди. Танлов қатнашчилари бадиий чиқишлар ва уй-рўзгор ишлари борасидаги маҳоратларини намойиш этишди.

Танлов якунига қўра, урганчилик Жонибековлар оиласи биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Шунингдек, навоийлик Нуруллаевлар ва бухоролик Қурбоновлар оиласига кейинги ўринлар насиб этди.

**О. РАҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

# ТОТУВЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МАНЗИЛИ

Ер юзида асим шаҳарлар кўп. Уларнинг тарихи ҳақида беҳисоб асарлар битилган. Таърифи тараннум этилган, мадҳи қуйланган. Аммо бирор бир шаҳар ҳақида равишда "Шарқ дарвозаси" ва "нон шаҳри" сифатида доврўқ қозонган Тошкентчилик тилларда дoston бўлмаган.

## Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

Чунки бу шаҳар азалдан турли халқлар ва эллар вакилларининг меҳр-мурувват, оқибат ва коксақ эҳтиром қўрган нури ошғини бўлиб келгани айни ҳақиқат. Биргина Иккинчи жаҳон уруши йилларини олиб қўрайлик. Рус, украин, беларус ва бошқа ўнлаб миллат оилаларининг уруш қомидан омонлик истаб Тошкентда умргузарилиқ қилгани, халқимизнинг меҳр-ардоғида бўлгани ҳаммага маълум.

Ўзбекистонликларга хос бағрикенглик, умумбашарий қадриятларга садоқат, миллатидан, динидан, ирқидан қатъи назар, ҳазрати инсонга астойдил эътибор, айтиш жоизки, Истиклол йилларида янада нуруланди, янги қирралар билан бойиди.

Ўтган ҳафта Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жаҳиятлари кенгашида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган ўтказилган илмий-амалий анжуманда пойтахтимизнинг миллатлараро муносабатларини мустақамлашда ва хорижий мамлакатлар билан маънавий-маърифий алоқаларини ривожлантиришдаги беҳисоб аҳамияти, унинг ибрат ва намуна бўладиган жиҳатлари яна бир бор эътибор этилди.

Маълумки, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Қолаверса, ватандошлик туйғуси, юрт тadbирга қамарбасталик, фидойилик, бунёдкорлик, яратувчилик жабҳасида қўни-қўлга бериб қайрат ва шижоат кўрсатиб мамлакат тараққиётига хизмат қилиш — бугун ҳар бир ўзбекистонликнинг ҳавас қилса ариғулик хислатларидан бирига айланади.

Ушбу жараёнларда, албатта, Тошкентнинг алоҳида ўрни, маъна ва нуфузи бор. У Мустақиллигимизнинг 18 йили ичюда нафақат маданият, илм-фан, маънавият ва маърифат маркази, балки миллатлараро тотувликнинг муаззам ошғини, дўстлик ва тинчликнинг азиз манзили бўлиб қолди. Чунки, мамлакатимизнинг чет эллар билан қўп томонлама алоқаларида ҳам асим пойтахтимиз муҳим ўрин тутди.

Истиклол Тошкентни дунёга янгиладан, гўзал кенёфада, тенгсиз ифодада танитди. Зотан, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини кенг нишонлаш тўғрисида ЮНЕСКО Бош конфе-

ренцияси қарори қабул қилинган, хурриятимиз шарофати, ҳаётга оқилона татбиқ этилган ислохотларимиз натижаси ҳамдир.

Нуфузли халқаро ташкилот — Ислон конференциясининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислон ташкилоти — ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислон маданияти пойтахти, деб эълон қилинган унинг бугунги кунда жаҳонда эгаллаган юксак мавқеини яқоқ белгилаб берди.

Тadbирда пойтахтимизнинг тарихи, ҳозирда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, жаҳон мамлакатлари ҳамда шаҳарлари билан дўстлик алоқалари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, мамлакатимизда яшаб келётган турли миллат ва элат вакиллари, республикамизда фаолият юритяётган хорижий давлатларнинг элчионавлари вакиллари Ўзбекистон жумладан, Тошкент шаҳри яқин ўтмишининг оғир ва мураккаб йилларида уларни ўз паножига олгани, нон ва бошона бериб, меҳрибонлик кўрсатгани ҳақида гапирди-лар.

Шулардан бири, анжуман иштирокчиси суриялик Муҳаммад ал-Бухорий сўзлари тadbир қатнашчилари кўнглидаги мушоҳадаларнинг изҳори бўлиб янгради. Тошкент тинчлик, дўстлик ва барқарорлик шаҳридир. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажак.

Умуман олганда, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жаҳиятлари кенгаши Республика байналминал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган илмий-амалий анжуман иштирокчиларида унутилмас таассуротлар қолдириди. Tadbir давомида беш кентимизнинг тарихи ва бугунги акс этган фотосуратлар кўргазмаси намойиши бўлиб ўтди. Пировардида юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакиллари ижросида Ватанин, дўстлик ва биродарликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Ушбу тadbир табаррук ва муаззам шаҳар тарихини ўраниши, қўп миллатли халқимизни, айниқса, улайим бораётган ёш авлодни меҳр-оқибат, бағрикенглик, ватанпарварлик, жонажон юртимизга муҳаббат, қадриятларимиз ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Абдували ҚУТБИДИНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ОБ-ҲАВО

(25 август)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайдди. Кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Қиска мuddатли ёғин ёғиши мумкин. Харорат тунда 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, тох-гоҳида ёғин ёғиши мумкин. Кечаси 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ҳаво булутли бўлади. Ёғин ёғиши мумкин. Харорат тунда 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарь ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда қиска мuddатли ёғин ёғиш мумкин. Кечаси 17-22, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, қиска мuddатли ёғин ёғиши мумкин. Тунда 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, қиска мuddатли ёғин ёғиши мумкин. Харорат кечаси 17-19, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

# СЎЗ – ФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбек мумтоз куй-қўшиқлари га меҳрим билан. Улар ўз жонабаси билан барчани оҳанрабодек тортади. "Шарқ тароналари" фестивалининг ўтказилиши мамлакатингиз раҳбарининг санъат соҳасини ривожлантириш борасида амалга ошираётган хайрли ишларининг ёрқин намунаси.

Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари, жумладан, Самарқанд ва Тошкент менда унутилмас таассурот қолдириди. Яқин кунларда юртингизда қўшалоқ байрам — Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллиги ва пойтахтининг 2200 йиллигини кўтаринки руҳда нишонлаш учун қўрилаётган қизгин тайёрларлик ҳамда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари мени хайратга солди.

**Фам Тхи Ту ХИЕН хоним (Вьетнам):**  
— Мамлакатингизга илк бор келишим. Ўзбек халқининг гоят хушмуомалалиги ва меҳмондўстлиги мени хайратга солди.

Кўплаб давлатларда ўтказилган санъат фестивалларида катнашганман. Бирок мазкур нуфузли санъат анжумани юксак савияда ташкил этилгани, иштирокчиларнинг кўлиги ва улар учун яратилган қулай шaroит билан алоҳида аҳралиб туради.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали дунёнинг турли мамлакатидан келган мусиқачилар ижросидаги миллий куй-қўшиқлар тинглаш баробарида ўз ижодий ишларимизни ҳам намойиш этиш имконини беради. Санъат соҳасида муҳим воқеа ҳисобланган мазкур фестивалда иштирок этиш биз учун шарафдир.

**ЎЗА мухбири**  
**Ирода УМАРОВА**  
ёзиб олди.

# Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Япония пойтахти Токио шаҳрида сув спорти турлари бўйича навбатдаги Осиё чемпионати якунланди.

## Осиё чемпионати якунланди

Қувончлиси, бу сафар ҳам Ўзбекистон тарма жамоаси аъзолари совриндорлар сифидан жой олишди. Жумладан, сув полеси бўйича аёллар тарма жамоаси кумуш медал билан тақдирланди. Синхрон сузиш баҳсларида Шоҳида Зоҳидова ва Севара Бобоқулова(соло), Гулсанам

Йўлдошева ва Севара Бобоқулова (дуэт) кумуш медалларига сазовор бўлдилар.

Сузиш баҳсларида қатнашган вакилларимиз эса Ватанимизга бешта кумуш ва олтинга бронза медаллари билан қайтадиган бўлишди.

## Гран-при совриндорлари

9-23 август кунлари Арманистоннинг Жермук шаҳрида шахмат бўйича ФИДЕ Гран-присининг бешинчи босқичи якунланди.

Унда ўн тўрт нафар халқаро гротсмейстер бош соврин учун ўзаро дона сурди. Нуфузли мусобақада собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У ўтказилган ўн учта ўйиннинг учтасида галаба, тўққизтасида дуранг натижага эришди. Фақат битта беллашувда рақибига имкониятни бой берди.



бақаларда совриндорлар сифидан жой олади.

Гран-при якунида турнир жаadwalида куйидагича вазият юзага келди:

1-ўрин. Василий Иванчук — 8,5 очко. 2 — 3-ўрин. Борис Гельфанд, Левон Аронян — 8 очко. 4 — 6-ўрин. Рустам Қосимжонов, Петер Лeko, Евгений Алексеев — 7,5 очко. 7-ўрин. Сергей Карякин — 7 очко. 8-ўрин. Павел Ельянов — 6,5 очко. 9-10-ўрин. Этьен Бакро, Гата Камский — 6 очко. 11 — 12-ўрин. Дмитрий Яковенко, Владимир Акопян — 5 очко. 13-ўрин. Эрнесто Инаркиев — 4,5 очко. 14-ўрин. Иван Чепаринов — 4 очко.

3. **ЖОНИБЕКОВ** тайёрланди.

Рустам йил охиригача яна бир нечта халқаро турнирларда иштирок этади. Умид қиламики, у мазкур мусо-

бақаларда совриндорлар сифидан жой олади.

## Ёш боксчилар мусобақаси

Нукусда 1998-1999 йилларда тутилган болалар ўртасида бокс бўйича Қорақалпоғистон Республикаси очик биринчилиги ўтказилди.

Мусобақа якунида ўз вази тоифаларида Б. Кенжаев, О. Худойбергенов, Р. Пердаббев, Д. Аминов ва бошқалар голибликни қўлга

киритишди. Уларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хидоят АҲМЕДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# БЕКЎС ГАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Республика футбол мактаб-интернатлари ўқувчиларининг Тошкент вилояти Янгийўл шаҳрида худудий мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Шифоркон туманидаги 18-мактаб-интернат жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, ноябрь ойида Наманган шаҳрида бўладиган мусобақанинг финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.



мом, 2008 йилда реконструкция қилинган 140 ўринли ўқув биноси улар ихтиёрида. Ўқитувчи-мураббийлар ташаббуси билан эски мактаб биноси қайта таъмирланиб, 140 ўринли ётоқхонага айлантирилди. Жорий йилнинг апрелида давлат бюджетидан 501 миң сўмлик бадиий адабиётлар олинб, мактаб кутубхонаси бойи-

— Ҳозиргача республика худудий биринчилиги мусобақаларида ўн бор голиб бўлганмиз, — дейди ушбу бўлганмиз, — дейди ушбу мактаб-интернат директори Х. Хусенов. — 2008 йилда эса жамоамиз вилоят футбол федерацияси томонидан ташкил этилган болалар лигаси мусобақаларида муваффақиятга эришган эди.

Мазкур мактаб-интернатнинг беш нафар ўқувчиси вилоят ёшлар тарма жамоаси аъзоси саналди. Уч ўқувчи эса "Машъал" футбол академиясида маҳоратини оширмоқда. Айниқса, Бекзод Зойировдан умид катта. У

бултур олий лиганинг "Қизилкум" жамоаси сафига қабул қилинди.

Бугун мактабда 130 нафар ўқувчи футбол сирларини ўрганишмоқда. А. Нафасов, Ж. Бақоев, Ж. Қойиров каби тажрибали мураббийлар Осиё Футбол конфедерациясининг малака ошириш курсида ўқиб, "С" лицензиясини олишди.

## «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**нарихи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Наманган вилояти Уччи тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдоран (29.07.2006 й. №16-0605-4440-сонли ижро ҳужжати) Уччи тумани «Беш пиллаҳона» МЧЖга қарашли, «Жийдақала»-КФЙ худудида жойлашган, эгаллаб турган ёр майдони 10070,5 кв.м. бўлган; қисман таъмирталаб, мужассам ҳолдаги «Пилла қабул қилиш пункти»нинг умумий бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

**Бошлангич баҳоси — 150 197 628 сўм.**

**Аукцион савдоси 2009 йил 8 сентябрь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидидаги талабгорлардан

аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун олганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Наманган филиалининг АТИБ-Ипотекабанкни Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000600571452072, МФО: 00223, СТИР: 200933850.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.**  
**Телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01.**  
**www.rkmb.uz** Лицензия: DB 001 № 000004

## «САНИПЛАСТ» Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонаси

томчилатиб сугориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган, Ўзбекистонда ягона корхона сифатида гўзани, боғ ва иссиқхоналарни томчилатиб сугориш тизимларини

сотиб олишни таклиф этади.

«Санипласт» лойиҳаларни амалга оширади, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Бизнинг мутахассисларимиз экинларни сугориш ва ўғитлашда маслаҳатларини аямаядлар.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларини етказишимиз.

**Хизмат сифатига қафолат берамиз.**

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100187, Тошкент шаҳри, «Корасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 265-18-56, 265-16-91.

**ПП «SHIRSHIY SHANXAY PLAST»**

**ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ**

ДИАМЕТРОМ ОТ 16 ММ ДО 1 200 ММ ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ.

ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.

СКИДКИ ОТ ОБЪЕМА.

Адрес: г. Чирчиқ, ул. Амира Темура, 22.  
Головной офис: г. Ташкент, ул. Шайхонтохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. +998 993 547-49-75, 995-19-99.  
www.pipeline.uz, e-mail: sedou2006@yandex.ru

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСАЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 35388 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида териял ҳақида операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — Ю. Буранов.  
Мусаҳҳах — Ҳ. Тохшўжаев.